



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 30 - mart

642 n -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Хўжаниёзов Нодирбек
Юсупбаевичга “Ёш ўсмир” маҳалласи
худудида жойлашган “Қассобхона”
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида яшовчи фуқаро Хўжаниёзов Нодирбек Юсупбаевичнинг “Ёш ўсмир” маҳалласи худудида жойлашган “Қассобхона” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 18 февралдаги ШЯ-Х-654-сонли аризасини, Боғот тумани ҳокимининг 2012 йил 17 октябрдаги 770қ-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги Хоразм вилояти Боғот туман бўлимининг 2020 йил 23 октябрдаги 0790-сонли рухсатномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 18 февралдаги 461-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласи худудида жойлашган жами 5 (беш) хонадан иборат, жами ички ўлчамлари 223,95 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 141,0 квадрат метр, умумий ер майдони 141,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Қассобхона” биноси фуқаро Хўжаниёзов Нодирбек Юсупбаевичга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Фуқаро Хўжаниёзов Нодирбек Юсупбаевич ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Қассобхона” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев